

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Тошкент политехника техникуми
Директори Ф. Аннакулов
апрель 2022 йил

Техникум асосий иккита ўқув биносини том қисмини профнастил билан ёпиш ва ташқи фасад қисмини жорий таъмирлаш бўйича лойиха, смета, чизма ва дизайн хизмати ҳамда экспертиза хулосадан ўтказиш бўйича.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Тошкент политехника техникуми

ТОШКЕНТ – 2022 йил

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

1.1.Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Номи	миқдори
1.	Тошкент политехника техникуми	Техникум асосий иккита ўқув биносини том қисмини профнастил билан ёпиш ва ташқи фасад қисмини жорий таъмирлаш бўйича лойиха, смета, чизма ва дизайн хизмати ҳамда экспертиза хулосадан ўтказиш бўйича. 1800000000 (бир миллиард саккиз юз миллион) сўмгача бўлган смета лойиха.

1.2.Танлов қиймати 60 000 000 (Олтмиш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 8 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади

1.6. Нархни ўн беш фоиздан кам миқдорда берилганлари қабул қилинмайди.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Тошкент политехника техникуми (бундан кейин <<Буюртмачи>> деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

<<Буюртмачи>>манзили Янгиҳаёт тумани қанора кўчаси 44-уй

2.2.Танлов <<Буюртмачи>>томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов <<Буюртмачи>> томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга булган барча юридик мақомга эга ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов обектига ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг
мўлжалланаётгани хажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билар боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўнинишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар <<Буюртмачи>> ва <<Иштирокчи>> ихтиёрига кўра ўзбек тили тилида тақдим этилиши керак.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагиларни тақдим этилиши лозим.

Техник қисим <<Буюртмачи>> томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нарх қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

-фақат битта таклиф бериши мумкин

-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.